
"Эшон" маҳалласида электр тармоқлари янгиланиши ҳисобига 240 та хонадон сифатли электр энергияси билан таъминланмоқда

"Эшон" маҳалла фуқаролар йиғинида 6,5 км масофада электр таъминоти яхшиланмоқда.

Айни кунларда Фароғат кўчасида яроқсиз бўлган симёғочлар ўрнига янги 135 дона таянч устунлар, 2 та 160 кВА. лик трансформатор ўрнатиш ҳамда янги ёпиқ кабеллар тортиш ҳисобига 240 та хонадон сифатли электр энергияси билан таъминланади.

Бундан ташқари, қўшимча давлат дастури асосида 4 та кўчаларнинг 4000 метр ички йўллари асфальтланди.

Аҳоли вакиллари маҳаллаларнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб, кўп йиллик муаммолар бирин кетин ҳал этилаётганидан мамнун.

2023-08-09 10:05:04